

IX-XVI АСРЛАРДА ХИТОЙ МУСУЛМОНЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ИШТИРОКИ

УЧАСТИЕ КИТАЙСКИХ МУСУЛЬМАН В СОЦИАЛЬНОЙ, ЭКОНОМИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ЖИЗНИ СТРАНЫ В IX-XVI ВЕКАХ

THE ACTIVITY OF CHINESE MUSLIMS IN THE SOCIAL, ECONOMIC AND CULTURAL LIFE OF THE COUNTRY IN THE IX-XVI CENTURIES

Odiljon ERNAZAROV,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,*
*PHD in history, teacher of the UNESCO chair on
religious studies and the comparative study of world
religions,*
o.ernazarov@iiaau.uz,
11 A.Kadiri, Tashkent 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/10

Аннотация: Мақолада IX-XVI асрларда Хитойдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароит, исломни Хитойда ёйилиши ва унинг маҳаллий мухитга мослашуви, мусулмон халқларнинг мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштироки ҳамда уларнинг маҳаллий маданиятга уйғунлашув жараёнида таълим-тарбия ҳолати ҳақида маълумот берилган. Мамлакатда тарафдорлари кўпчиликдан иборат буддавийлик, конфуцийлик ва даочилик таълимотлари орасида уларнинг муштарак этикодий қарашларига мослашиш орқали мусулмон жамоалари шаклланиши ва бу жараёнида ўлка мусулмонлари ижтимоий ва диний ҳаётини тартибга солишчи – “Зу Тан” (“Хитойда яшаётган хорижлик”), “Фан Кэ” (“Маҳаллий мусулмонларнинг авлодлари”), “Фан Хуэ” (“Хорижликлар учун махсус мактаблар”), “қозилик бўлими” (мусулмонларнинг диний ишларини ҳал қилиш учун масъул), “учлик маъмурияти” (имом, хатиб ва муаззиндан иборат бўлган ва мусулмонларнинг кундалик масалалари билан шуғулланган) каби 10 га яқин алоҳида ҳуқуқий тизимлар юзага келгани таҳлил қилинган.

Тан, Сун, Юан ва Мин сулолалари ҳукмронлик даврида ислом динининг Хитой бўйлаб ёйилиши ва ривожланишига доир фундаментал ўзгаришлар юз берганлиги аниқланган. Империялар ҳукуматларнинг миллий ассимиляция сиёсатида фаол иштирок этиши орқали мусулмонларнинг сиёсий мақоми ўзгариб, улар Хитой маҳаллий фуқаросига айланганлиги очиқ берилган. Мусулмонларнинг миллий ассимиляция сиёсатида жалб этилиши умумий қадрият, этика ва маросимларга асосланган янги миллий жамоаларни шаклланиши ҳамда ислом таълимоти ва фалсафасини Хитойнинг бошқа

ҳудудларига кенгроқ тарқалишига асос бўлганлиги тўғрисида хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Тан, Сун, Юан, Мин, Цин, дунган, давлат имтиҳонлари, “жанублик мусулмонлар”, “араблар дини” (Даши Жиао), “Арабистон дини” (Тианфан Жиао), “дунганлар дини” (Хуэй-Хуэй Жиао), “мусаффо ва ҳақ дин” (Цинчжэнь Жиао), “Хитойда яшаётган хорижлик” (Зу Тан), маҳаллий мусулмонлар (Фан Кэ), хорижликлар учун махсус мактаб (Фан Хуэ), мусулмон тураргоҳи (Жиао Фанг), табақа тизими (сему), қозилик бўлими, “икки томонлама содиқлик”

Аннотация: В статье представлены сведения о социально-политических, экономических и культурных условиях в Китае в IX-XVI веках, распространении ислама в Китае и его адаптации к местной культуре, участии мусульманских народов в социальной, экономической, культурной жизни и образовательном процессе страны. Кроме того, в ней анализируется формирование мусульманских общин среди большинства последователей буддизма, конфуцианства и даосизма путем адаптации к их религиозным убеждениям, близким к содержанию ислама, и возникновения 10 отдельных правовых систем, таких как “Зу Тан” (“Иностранец, живущий в Китае”), “Фан Кэ” («Потомки местных мусульман»), “Фан Хуэ” («Школы для иностранцев»), “Департамент Кади” (по разрешению религиозных дел мусульман), “Тройная администрация” (состоящей из имама, хатиба и муаззина, занимающейся повседневными делами мусульман), которые регулировали социальную и религиозную жизнь мусульман Китая. Было установлено, что в периоды правления династий Тан, Сун, Юань и Мин произошли фундаментальные изменения, способствовавшие распространению и развитию ислама по всему Китаю. Благодаря активному политике по национальной ассимиляции политический статус мусульман изменился, и они стали коренными гражданами Китая. Был сделан вывод, что участие мусульман в политике национальной ассимиляции стало основой для формирования новых национальных общин на основе общих ценностей, этики и ритуалов, а также для более широкого распространения исламских учений и философии в других частях Китая.

Ключевые слова: Империя Тан, империя Сун, империя Юань, империя Мин, империя Цин, хуэй, государственные экзамены, “Мусульмане на юге”, “религия Даши” (Даши Жиао), “религия Аравии” (Тианфан Жиао), “религия Хуэй-хуэй” (Хуэй-Хуэй Жиао), “чистая и истинная религия” (Цинчжэнь Жиао), иностранец, живущий в Китае (Зу Тан), мусульмане иностранного происхождения (Фан Кэ), школы для иностранцев (Фан Хуэ), мусульманское сообщество (Жиао Фанг), кастовая система (сему), Департамент Кади, теория двойной лояльности.

Abstract: The article presents information about the socio-political, economic, and cultural conditions in China in the 9th-16th centuries, the spread of Islam in China and its adaptation to the local culture, the participation of Muslim peoples in the social, economic, cultural life and educational

process of the country. Also, it analyzes the formation of Muslim communities among the majority of followers of Buddhism, Confucianism, and Taoism by adapting to their religious beliefs, close to the content of Islam, and the emergence of 10 separate legal systems, such as “Zu Tang” (“Foreigner living in China”), “Fang Ke” (“Descendants of local Muslims”), “Fang Hue” (“Schools for foreigners”), “Qadi Department” (for the resolution of Muslim religious affairs), “Triple Administration” (consisting of an imam, a khatib and a muezzin dealing with the daily affairs of Muslims), which regulated the social and religious life of Muslims in China. It was found that during the Tang, Song, Yuan, and Ming dynasties, fundamental changes occurred that contributed to the spread and development of Islam throughout China. Thanks to an active policy of national assimilation, the political status of Muslims changed, and they became the indigenous citizens of China. It was concluded that the participation of Muslims in the policy of national assimilation became the basis for the formation of new national communities based on common values, ethics, and rituals, as well as for the wider dissemination of Islamic teachings and philosophy in other parts of China.

Key words: *Tang dynasty, Song dynasty, Yuan dynasty, Ming dynasty, Qing dynasty, hui, imperial examinations, “Muslims in South”, “religion of Dashi” (Dashi Jiao), “religion of Arabia” (Tianfang Jiao), “religion of Hui-Huis” (Hui Hui Jiao), “pure and true religion” (Qingzhen Jiao), foreigner living China (Zhu Tang), foreign-born muslims (Fan Ke), schools for foreigners (Fan Xue), muslim community (Jiao Fang), caste system (semu), Department of Qadi, Theory of double loyalties.*

КИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда юзага келаётган глобал ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш зарурати кенг миқёсда эътиқод қилувчиларга эга ислом динининг дунё бўйлаб тарқалиш тарихи ва турли халқлар томонидан қабул қилиниш тенденциясини ўрганишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Ислом динига хос бунёдкорлик ғоялари билан бир каторда, у кириб келган минтақада қарор топган умуминсоний қадрият ва анъаналарни тадқиқ этиш, ўхшаш жиҳатларни кўрсатиб бериш мазкур ҳудуддаги этник гуруҳларнинг ўзаро бағрикенглик ва келишув асосида тинч-тотув яшашларига хизмат қилади.

Шарқий Осиё минтақасида ислом динининг тарқалиши бўйича ўрта аср мусулмон алломаларининг тарих, география, астрономияга оид асарлари билан бирга, Хитой, Корея, Япония архивларида кўплаб тарихий солнома ва сафарномалар сақланиб келмоқда. Ислом тарихининг Корея яриморлидаги X-XIII асрлар (Эрназаров О., 2018:74-80) ва Япониядаги XX асрларга оид тарихи (Эрназаров О., 2017:74-84) воқеа-ҳодисаларга бой бўлса, мусулмон жамоаларининг Хитойдаги фаолияти тарихан ва мазмунан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

ТАҲЛИЛ

Ислом динини Хитойга кириб келиши VII асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Мазкур асрдан кейинги бир минг уч юз йиллик тарих давомида, яъни, Тан (Tang dynasty), Сун (Song dynasty), Юан (Yuan dynasty), Мин (Ming dynasty), Цин (Qing dynasty) сулолалари ҳукмронлиги ва Республика бошқаруви (1911-1949) даврида Хитойдаги мусулмонлар миқдори 20 миллионга етди. Ислом дини мазкур турли тарихий даврларда бир неча номлар билан аталди: Тан сулоласи даврида “Dashi Jiao”¹ (“араблар дини”), Мин сулоласи даврида “Tianfang Jiao” (Арабистон дини) ёки “Hui Hui Jiao”² (“хуэйлар дини”), Мин сулоласи ҳукмронлигининг охири ва Цин сулоласи ҳукмронлигининг илк даврида “Qingzhen Jiao” (мусаффо ва ҳақ дин), Республика даврида “Hui Jiao” (“хуэйлар дини”). 1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил топгач, 1956 йилда Давлат Кенгаши “Ислом номи ҳақидаги Қарор” (“Notice Concerning the Name of Islam”)ни эълон қилди ва унда қуйидагилар қайд этилди: “Ислом жаҳон динидир. “Ислом” ушбу динга нисбатан ишлатиладиган умумий халқаро атама ҳисоблангани учун, бундан буён, у “хуэй дини” деб эмас, балки, оддийгина “ислом” деб номлансин” (Shoujiang Mi, Jia You, 2004:3-4). Шундан кейин “ислом” тушунчаси бутун Хитой бўйлаб умумий равишда қўлланила бошланди. Бугунги кунга келиб, Хитойдаги 56 этник гуруҳ орасидан ўнтаси ислом динини миллий эътиқод сифатида қабул қилган. Булар – дунган (хуэй), уйғур, қозоқ, дунсян (dongxiangs), қирғиз (khalkhas), салар, тожик, ўзбек, баоан ва татарлардир. Шу билан бирга, Хитойдаги мўғуллар, тибетликлар, бай ва даилар ичида ҳам оз сонли мусулмонлар мавжуд.

Тарихий нуктаи назардан, Тан ва Сун сулолалари ҳукмронлик йиллари ислом динининг Хитойдаги тарихи учун дастлабки давр ҳисобланади. Ўша пайтда, Хитойдаги мусулмонлар асосан Арабистон, Эрон ва бошқа ўлкалардан келган савдогар, ҳарбий ва элчилардан иборат эди. Улар Хитойга келган вақтлари ўз динлари ва турмуш тарзларини сақлаган ҳолда маҳаллий шаҳарларга ўрнашиб, жамоавий тарзда яшаб келишган. Хитойга келган мусулмонларнинг асосий мақсади диний тарғибот ишларидан кўра савдо фаолияти билан шуғулланиш бўлгани сабабли ҳам ҳукмрон доиралар томонидан

¹ Хитой тарихида “Dashi” тушунчаси орқали араблар кўзда тутилган, шу сабабли Тан даврида ислом маҳаллий аҳоли тилида “араблар дини” деб юритилган.

² Мин сулоласи даврида ислом динига мансуб барча этник гуруҳлар умумий тарзда “хуэй” деб аталгани боис исломга нисбатан “хуэйлар дини” тушунчасини ишлатиш кенг тарқалган.

қаршиликка учрамасдан, балки уларга шаҳарларда ўрнашиб, маҳаллий хотин-қизлар билан оила қуришликка рухсат берилган. Хитойда доимий яшаш ҳуқуқини қўлга киритган мусулмонлар “Зу Тан” (Zhu Tang) – “Хитойда яшаётган хорижлик” деб аталганлар. “Зу Тан”лар сони маҳаллий аёлларга уйланишлари ҳисобига ортиб, уларнинг авлодлари “Фан Кэ” (Fan Ke) – маҳаллий мусулмонлар сифатида қабул қилинган. Натижада, муҳим алоқа йўлларида жойлашган катта шаҳар ва портларда мусулмонлар сони кўпайиши таъсирида кичик мусулмон жамоалари шаклланди. Диний ибодат ва маросимларни бажариш учун туғилган эҳтиёж сабабли улар савдо шаҳарларида масжидлар бунёд эта бошлаганлар. Бугунги кунга қадар сақланиб қолган Тан сулоласи даврига тегишли Гуанжоудаги “Хуаишенг”, Шимолий Сун сулоласи ҳукмронлиги даврига оид Цюаньчжоудаги “Кингжинг”, Жанубий Сун сулоласи даврига доир Янчжоудаги “Хианхэ” ва Юан сулоласи даврига мансуб Ханчжоудаги “Фенгхуанг” каби масжидлар Хитойдаги қадимги тўрт масжидлар сирасига киради (*Shoujiang Mi, Jia You, 2004*).

Хорижий савдогарлар фаолияти ривожланган Тан ва Сун сулоалари ҳукмронлиги даврида кўплаб араб ва форс тижоратчилари Хитойда доимий яшаб қолишган. Сун сулоласи императорларидан Зхенгхе (Zhenghe, 1111-1118) ҳукмронлиги даврида дастлабки маҳаллийлашган мусулмонларнинг бешинчи авлоди ҳаёт кечирган. Айни вақтда, Сун ҳукумати мусулмонларнинг мерос билан боғлиқ масалаларини тартибга солиб турувчи махсус “Маҳаллийлашган мусулмонларнинг бешинчи авлоди учун мерос қонуни”ни ишлаб чиққан. Ўз навбатида, жамият анъанавий ҳаёт тарзига мослашиш мақсадида, Сун сулоласи ҳукмронлиги даврида маҳаллийлашган мусулмонлар Хитой маданияти ва таълимини ижобий шаклда ўзлаштиришга киришганлар. Шу мақсадда, мусулмонлар кўпчиликини ташкил қилган Гуанчжоу ва Цюаньчжоу шаҳарларида “Fan Xue” – хорижликлар учун махсус мактаблар ташкил қилинган. У ерда асосан маҳаллийлашган мусулмон фарзандлари таълим олишган. Шу ўринда айтиш жоизки, бу каби мактаблар фақат маҳаллий ҳукумат маҳкамаси рухсатидан сўнг ўз фаолиятини бошлаши мумкин бўлган. Аслида, махсус мактабларни ташкил қилишдан ҳукуматнинг асосий мақсади – мусулмон фарзандларига анъанавий хитой маданиятини ўргатиш орқали, имкон даражасида тезроқ, уларга жамиятга мослашишлари учун кўмак беришдан иборат эди. Бундан ташқари, маҳкама махсус мактаблар фаолиятига рухсат беришда мусулмонларнинг амалдаги ҳукумат

олиб бораётган сиёсатдан қай даражада воқиф эканлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада империя имтиҳонларни жорий қилган. Сун ҳукумати Тан ҳукумати сингари баъзи предметлар бўйича империя имтиҳон топширилишини ташкил этиб, Хитойдаги хорижликлар ва уларнинг зурриётларига доимий истиқомат қилишга рухсат берган (*Shoujiang Mi, Jia You, 2004:6-7*).

Хитой турли сулоалар бошқарувида бўлган вақтларда давлат (империя) имтиҳонлари конфуцийлик ғояларига асосланган таълим тизимининг ажралмас қисми ҳисобланган ва унда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаган талабгорлар давлат идораларида фаолият кўрсатиш имконияти ҳамда нуфузли ижтимоий мавқега эга бўлишган. “Кэцзюй тизими” деб ҳам номланган мазкур давлат имтиҳонлари 1300 йил давомида (605-1905 йй.) амалда бўлиб, ўлкада ҳукмронлик қилган империяларни марказий ҳокимиятга эга бўлишида муҳим ўрин тутган. Давлат имтиҳонлари уч босқичда ўтказилиб, провинция ва минтақа миқёсидаги босқичларда ғолибликни қўлга киритганлар уч йилда бир маротаба империя пойтахтида ташкил қилинадиган учинчи – “цзиньши” (олий) босқичида куч синашганлар (*Elman B., 2000*). Табиийки, Тан сулоласи даврида империянинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётида фаол ҳаёт кечириётган мусулмонларга ҳам мазкур давлат имтиҳонларида иштирок этиши ҳуқуқи берилган. 847 йилда ўтказилган давлат имтиҳонларида араб миллатига мансуб мусулмон киши энг юқори босқич ғолиби, деб топилган.

Хитойда ислом динининг тарқалишига оид тарихий жараёнлар ҳақида сўз юритганда, мусулмонлар ва туб ерлик аҳоли ўртасида никоҳ алоқаларини боғланиши энг кўп тўхталинадиган мавзу саналади. Маълумки, Хитойдаги мусулмонларнинг дастлабки авлоди орасида аксарияти ёлғиз келишган. Улар бадавлат ҳамда юқори ижтимоий статусга эга эдилар, шу боис миллатлараро никоҳга киришиш умуман олганда, улар учун деярли қийинчилик туғдирмаган. Қолаверса, улар ижтимоий келиб чиқиши турли – оддий, амалдор, ҳатто, ҳукмдор оилаларига мансуб қизлар билан турмуш қурганлар. Ўз навбатида, айрим мусулмон қизлари мусулмон бўлмаган эркакларга ҳам турмушга чиққанлар, албатта, бу жараён улар ислом динини қабул қилган ҳолатда юз берган (*Shoujiang Mi, Jia You, 2004:8*). Бундай ҳолат эса бевосита Хитойдаги мусулмон аҳоли сони ўсишига туртки бўлган.

Хитойдаги мусулмон аҳоли сонининг ошиши омилларидан яна бири хизматкор сақлаш саналади.

Чунки, Сун сулоласи ҳукмронлиги даврида ерларни бирлаштириш жараёни кенг тарқалди, натижада, ўз ерларидан маҳрум бўлган баъзи ижарачи-деҳқонлар ўзларининг моддий ҳолатларини тиклаш мақсадида бой ёки амалдорлар хонадонидан “бошпана” излашга тушдилар. Бинобарин, баъзи деҳқонлар эса мазкур вазият асносида мусулмон оилаларидан иш топишга эришиш билан бир қаторда, ислом динини ҳам қабул қилдилар (*Shoujiang Mi, Jia You, 2004:8*). Хулоса қилиб айтганда, Тан ва Сун сулоалари ҳукмронлиги даврида мусулмонлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ўринларига эга бўла бошладилар, мусулмон аҳолининг сони ортиши эса Хитойда янги этник гуруҳ – “хуэй”ни шаклланишига олиб келди.

“Хуэй” атамаси илк бор Шимолий Сун сулоласи ҳукмронлиги даврида (960-1127) Шен Куонинг “Тушда ёзилган эслатмалар” (“*Meng Xi Bi Tan*” – “*Notes Written in Dream*”) номли китобида учрайди. Унда Тан сулоласи даврида Хитойга кириб келган “хуэй” этник гуруҳи ҳақида зикр қилинган. Майкл Диллоннинг фикрича, “тарихда Хитойга кириб келган барча мусулмон халқлар умумий тарзда “хуэй” деб аталган. Аммо масалага аниқ фактлар асосида ёндашилса, бу тушунча асли Марказий Осиёлик, туркий ва форсий забон мусулмон элат, яъни дунганларни ифодалаган” (*Dillon M., 1999:3*). Аслида, Тан ва Сун сулоалари ҳукмронлиги даврида “хуэй”лар этник гуруҳ сифатида мавжуд бўлмаган. Балки Жанубий Сун сулоласи ҳукмронлигидан бошлаб (1127-1279), “хуэй” номи мамлакатнинг ғарбий қисмидаги мусулмонлар ва уларнинг яшаш жойларига нисбатан қўлланилган тушунчага айланди.

Юан сулоласи даврида, Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши ғарбий чегараларга қўшни ҳудудлардан кўп сонли мусулмонларни Чин юртига келишига туртки бўлди. Шундан кейин “хуэй” атамаси билан Марказий Осиё, Эрон ва Арабистондан Хитойга кўчиб келган барча мусулмон гуруҳлар ифодаланди. Юан сулоласи ҳукмронлигининг дастлабки давларида денгиз йўли орқали келган мусулмонлар “жанублик мусулмонлар” (“*Nan Fan Hui Hui*” – “*Muslims in South*”) деб номланган. Зоу Ми (*Zhou Mi*) томонидан таълиф этилган “*Гуи Хин За Ши*” номли асарда айтилишича, “Янцзе дарёсининг жанубий қирғоғида кўпчиликни ташкил қилган “хуэй”лар Хитойнинг марказий қисмида ўтроқ ҳаёт кечиришган”. Император Хианзун (*Emperor Xianzong, 1209-1259*) ҳукмронлигининг иккинчи йилидан бошлаб “хуэй” атамаси расмий ном сифатида қўлланила бошланди. Шу тарзда Юан сулоласи даврига келиб, бу атама Хитойнинг марказий ҳудудида яшаган алоҳида

мусулмон этник гуруҳ, яъни, хитой тилидаги адабиётларда “*huihui*”, инглиз тилидагиларда “*hui*”, рус ва ўзбек тилларидаги асарларда эса “дунган” номи билан юритилувчи миллатни ифодалаган.

Юан сулоласи ҳукмронлиги даврида (1279-1368) Ғарбга йўналган мўғулларнинг ҳарбий юришлари турли этник гуруҳларни Шарққа кўчиб ўтишларига олиб келди. Айтиш мумкинки, бу давр Тан ва Сун сулоласи ҳукмронлигидан кейин мусулмонлар нисбатан кенг тарқалган давр ҳисобланади. Хитойшунос олим Рафаэл Исроили (*Raphael Israeli*) бу даврда Хитойда мусулмон аҳоли 4 миллионни ташкил қилинлиги ҳақида маълумот берган (*Israeli R., 2002:285*). Уларга маҳаллий аёлларга уйланишга рухсат берилди, натижада, ислом дини вакиллари сони ортиши янги босқичга кўтарилди. Юан сулоласи даврида амалда бўлган табақа тизими – “Сему” мусулмонларни иқтисодий жиҳатдан янада ривожланиши учун қулай шароит яратди. Улар кўплаб жабҳаларда муайян имтиёзлар, жумладан, маҳаллий ҳукумат идораларида ишлаш ва паст миқдордаги солиқ тўловлари тўлаш имконига эга бўлишди.

Юан сулоласи давридаги мусулмонларнинг ўзига хос жиҳати уларнинг мамлакат бўйлаб кенг ёйилганлиги ҳамда давлат бошқаруви масалаларида ҳам иштирок этганликларида намоён бўлади. Шу жиҳатдан, улар Юан ҳукуматини ташкил топиши ва давлат бошқарув ишларини йўлга қўйишда кўшган ҳиссалари туфайли маҳаллий ҳукмдорлар ишончини қозонганлар. Қолаверса, улар мазкур хизматлари эвазига катта эътибор ва мол-мулк сохибига айландилар. Юан мўғуллар тарафидан таъсис этилган империя номи бўлса-да, унда мусулмонлар ўзларининг ҳарбий ва фуқаролик мавқеларини сақлаб қолганлар. Хитойлик атоқли тарихчи, профессор Тин-суэ Ву (*Ting-hsueh Wu*) фикрича, Юан империяси ҳукмронлигида Пекиндаги қироллик маҳкамасининг ўттиздан ортиқ юқори мартабали мулозимлари ва тўққизта провинциянинг ҳокимлари ислом дини вакиллари саналган (*Kenneth M., 1993:348*).

Юан-мўғул ҳукуматида обрў-эътиборга сазовор бўлган мусулмонлардан бири Саид Ажаллдир. Унинг тўлиқ исми Саид Ажалл Шамсиддин Умар ал-Бухорий (1211-1279) бўлиб, ота-боболари Чингизхон томонидан Бухоро ишғол этилиши оқибатида асир қилиниб Хитойга олиб келинган. Хитойшунос олим Жорж Леин (*George Lane*) у ҳақида “отаси Камолиддин, бобоси Шамсиддин Умар ал-Бухорий” (*Lane G., 2014:8*) эканлигини, Хитойда ислом дини тарқалиши тарихини ўрганиш бўйича етук мутахассис Маршал Брумхол (*Marshall*

Broomhall) эса “асли бухоролик, айтишларича, Муҳаммад пайғамбарнинг 27-авлоди саналади” (Broomhall M., 2012:127) дея маълумот берган. Саил Ажалл асир инсоннинг фарзанди бўлишига қарамай, заковати ва ҳарбий маҳорати сабабли Юан ҳукумати унга кўплаб масъулиятли вазифаларни ишониб топширган. Пекиндаги ҳукумат маҳкамаси ходими, империя солиқчиси (Walker T., 2006:127) каби бир қатор юқори лавозимларда фаолият юритгач, у 1272 йилда Сычуань (Szechwan – Sichuan) курулли кучлари бош қўмондони ва провинция ҳокими этиб тайинланган. Икки йилдан сўнг эса у Юннань провинцияси ҳокими сифатида фаолият бошлаган. Унинг Юннаньдаги оқилона бошқаруви натижасида аҳоли орасида хитой қонунлари, таълими ва қишлоқ хўжалигини услубларини такомиллашди ва хитой маданияти жануби-ғарбий ҳудудларга ёйилди. Шунингдек, Саид Ажалл ўз бошқаруви давомида аҳоли ўртасида этник ва диний тенгликни илгари сурганлиги, айниқса, Юннань провинциясидаги илк конфуцийлик ибодатхонаси барпо этилиши таъсисчиси бўлганлиги билан ном қозонган.

Юан империя даврида ўлкадаги мусулмонлар нафақат сиёсий ва ҳарбий жабҳада, балки ҳунармандчилик борасида ўз салоҳиятларини кўрсатган ҳолда мамлакат ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутганлар. Зеро, мўғуллар истилосидан сўнг Хитойга кўчиб келган мусулмонлар орасида ҳунармандлар кўпчиликти ташкил қилган. Масалан, XIII асрда Марказий Осиёдаги йирик шаҳарлардан бири Хоразм мўғуллар тарафидан ишғол қилиниб, шаҳар вайрон этилгач, 100.000 дан ортиқ ҳунарманд, Самарқанд жангидан сўнг асирга тушган 30.000 дан зиёд мусулмон ҳунармандлар Хитойга кўчирилиб, у ердаги турли шаҳарларга жойлаштирилган.

Мазкур жараёнда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Хитойга кўчириб келинган мусулмонлар орасида илм-фан вакиллари ҳам бўлиб, Юан ҳукумати уларнинг илмий салоҳиятига ишонч билдирган ва уларни махсус таъсис этилган бўлимлардаги муҳим лавозимларга тайинлаган. Масалан, тиббиёт соҳаси бўйича ташкил қилинган “Гуанг Хуи Си”, таржимонлик фаолияти билан шуғулланувчи “Хуи Гуо Зи Жиан”, астрономия ва тақвим илмига доир “Хуи Си Тиан Жиан” бўлимларида мусулмон олимлар муайян муваффақиятларга эришдилар. Шунингдек, мусулмонлар орасидан етишиб чиққан астроном Жамолиддин ва Камолиддин, ҳарбий муҳандис Аълоуддин ва Исмоил, архитектор Ихтиёриддин, табиб Далима, лингвист Ҳалилуддин каби олимлар ҳукумат томонидан ташкил қилган бир қатор илмий институтларга жалб қилиниб, у

ерда улар ўз мутахассисликлари бўйича экспертлик фаолиятини олиб боришган.

Мусулмонларнинг Ғарбдан кириб келиши давом этгани сари ислом дини Хитойнинг ички ҳудудларида янада кенгрок тарқалди. Аммо, Тан ва Сун сулолалари ҳукмронлиги даврида амалдаги “Фан Фанг” – “хорижликлар тураргоҳи” тизими Юан сулоласи даврида диний ва этник масалаларни ечишда самарасиз шаклга айланди. Шу боис мусулмонларни ички, яъни диний ишларини ҳал қилиш учун масъул – “қозилик бўлими” таъсис этилди.

Ушбу “қозилик бўлими” таркиби бир неча қозилардан иборат бўлиб, улар турли байрам ва тантаналарда император ҳаққига дуо қилиш, жамоат намозини ўқиб бериш, диний, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ишлари билан шуғулланишган. Қолаверса, ўша вақтда, қози ҳукуматнинг расмий вакили сифатида мусулмонлар орасида нуфузли ўринга эга бўлган. Чунки Юан ҳукумати қозилик тизими хусусида махсус қарор чиқариб, унда қозиларнинг вазифалари белгиланган ва ушбу вазифалар сирасига Хитойдаги мусулмонларни бошқариш ваколати ҳам киритилган.

Юан сулоласи ҳукмронлигининг охирларига келиб, “қозилик бўлими” бекор қилинган бўлса-да, аммо амалиётда қозилар фаолияти сақланиб қолган. Фақат улар аввал бўлгани сингари мамлакатда ўтказиладиган анъанавий байрам ва тантаналарда расмий ҳукумат вакили сифатида иштирок этмай, балки мусулмонларнинг кундалик ҳаётларига доир масалаларда шаръий ҳукм чиқариш билан чекланганлар.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қозилик тизимини Хитой мусулмонлари орасида татбиқ қилиниши ўлкада ислом динининг янада ёйилиши ва ривожланишига йўл очди. Зотан, Юан сулоласи даврида қозилар мусулмон бўлмаган давлат амалдорлари билан ўзаро яқин муносабатларда бўлганликлари, кейинчалик, Мин ва Цин сулолалари даврида мусулмон олимлари томонидан илгари сурилган “икки томонлама содиқлик” – “Аллоҳ ҳамда ҳукмдорга итоат” тамойилига назарий асос бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга, мусулмон аҳолининг маҳаллий ҳаётдаги тўлақонли иштироки шароитида “қозилик тизими” тугатилиб, “учлик маъмурияти” тизими жорий этилди. Ушбу янги тизим имом, хатиб ва муаззиндан иборат бўлган ва мусулмонларнинг кундалик масалалари билан шуғулланган³. Бу тизим “хитой исломи” тушунчаси

³ Инглиз тилидаги хорижий адабиётларда “учлик маъмурияти” деганда имом, хатиб ва муаззин назарда тутилган. Ваҳоланки, мусулмон урфи ва адабиётларида аслида имом ва хатиб бир маънога эга.

юзага келишининг ифодаси бўлиб, ҳатто, мусулмон ўлка ва минтақаларда ҳам кам учрайдиган ҳолат дея баҳоланган (*Shoujiang Mi, Jia You, 2004:26*).

Юан сулоласи ҳукмронлигининг сўнгги даврида татбиғи бекор қилинган қозилик тизими ўрнини, эндиликда хорижий эмас, ерлик мусулмон тураргоҳларини ифодаловчи “Жиао Фанг” тизими эгаллади. Бирор расмий шаклга эга бўлмаган “Жиао Фанг” на ижрочи ва на муайян ижро этувчи муассасага бўйсунмаган ҳолда империя таркибидаги мусулмонларнинг диний фаолиятларига алоқадор масалалар билан шуғулланувчи диний ташкилот ҳисобланган.

НАТИЖА

Юан сулоласи даврида мамлакатнинг қайси қисмида мусулмонлар тўпланган бўлса, ўша ерга масжидлар қурилиши одатга айланган. Айни пайтда, уларнинг диний саводларини чиқаришда ҳам масжидлар муҳим роль ўйнаган. Бироқ, мусулмонлар тўпланиб ибодат қиладиган жойлар “масжид” деб номланмаган, балки у турли номлар билан аталган: “Li Bai Si” – “Ибодат уйи”, “Hui Hui Si” – “Хуэйлар ибодатхонаси”, “Hui Hui Tang” – “Хуэйлар зали”, “Zhen Jiao Si” – “Баҳий дини ибодатхонаси” ва “Qing Jing Si” – “Аниқ ва тоза маъбад”. Тан ва Сун сулоласи ҳукмронлиги даврига нисбатан Юан сулоласи вақтида масжидлар функцияси диверсификациялашди, яъни турли тусга кирди. “Жиао Фанг” – “мусулмон тураргоҳи” тизимини шаклланиши эса мазкур жараёнларни янада жадаллаштириб юборди. Шу туфайли ҳам Юан сулоласи охири ва Мин сулоласи ҳукмронлигининг бошида Хитойда кўп сонли масжидлар бунёд этилган. Улардан бугунги кунга қадар сақланиб қолганлари қуйидагилар: Ҳанчжоудаги Зен Жиао (Zheng Jiao) масжиди, Шанхай (Shanghai)даги Сун Жиан (Song Jiang) масжиди, Кунмин (Kunming)даги Нан Ченг ва Йонг Ниан масжидлари, Фучжоу (Fuzhou)даги Кинг Зен масжиди, Цинчжоудаги Зен Жиао масжиди, Нанкин (Nanjing)даги Жинг Жуе масжиди, Цзинань (Jinan)даги Буюк жанубий масжиди, Пекиндаги Нуи Жие ва Донг Си масжидлари.

Дарҳақиқат, Юан империяси даврида мусулмонлар жамиятда мўғуллардан кейин иккинчи ижтимоий мавқега эга бўлиш орқали ислом дини вакиллари орасида ўз диний таълимотларига мос ҳаёт тарзини сақлаб қолган бўлсалар-да, баъзи жабҳаларда мўғул қарашларига мувофиқ иш кўриш мажбуриятида қолганлар. Масалан, Чингизхон ва ундан кейинги Юан императорлари мўғул анъаналари учун “янгилик” бўлган бир қатор исломий урф-одатларни, хусусан, чорва

молларини қурбонлик келтириш, ҳалол таомлар истеъмол қилиш, ўғил болаларни хатна қилишни таъқиқ қўйганлар (*Dillon M., 1999:24*). Юан императорлари мусулмонларни ижтимоий тасниф бўйича мўғуллардан кейин туришини даъво қилиб, ислом дини вакиллари “ҳалол” ёки яҳудийлар “кошер” эмас, балки мўғул таомланиш анъаналарига эргашишларини талаб қилганлар (*Elverskog J., 2010:228*). Хитойдаги ислом тарихига оид бир қатор тадқиқотлар муаллифи Майкл Диллоннинг келтиришича, Юан империяси таркибидаги сему ижтимоий қатлами орасидан фақат мусулмон ва яҳудийлар “биз мўғул таомларини истеъмол қилмаймиз” дея эътироз бирдириб келганлар. Бунга жавобан Чингизхон “биз сизларни Осмон ёрдами билан тинч ҳаётда қарор топдириб қўймадикми? Сиз бизнинг қулимизсиз. Шундай экан бу борада қандай сизларда ҳуқуқ бўлсин” маъносида жавоб бериб, қўй сўйган жиноий жавобгарликка тортилишини эълон қилган. Кейинчалик Хубилайхон “ночор инсонларга машаққат туғдириши”ни сабаб ўлароқ келтириб, мусулмон ўғил болаларни хатна қилишни ҳам таъқиқлаб қўйган (*Leslie D., 1998:12*). Албатта, Хитойдаги мусулмон аҳоли бу каби таъқиқларга қарамай ҳалол таомлар истеъмолига яширинча амал қилишни давом эттирганлар.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Юан даврида мусулмонларни фаол ижтимоий, сиёсий, маданий ва ҳарбий хизмат кўрсатганлари жамиятда муҳим қатлам сифатида шалланиши ҳамда кейинги ҳукмрон сулола Мин империясида мавжуд анъаналарга уйғунлашувида бирламчи омилга айланди. Мин сулоласи ҳукмронлиги бошланганда Хитойга ислом дини тарқалганлигига етти асрга яқин вақт бўлган эди. Шу давргача Хитойда истикомат қилган кўп сонли мусулмонлар исломга ишончли пойдевор қўйган бўлсалар-да, мазкур етти юз йил давомида мусулмонлар ўзларининг тили, урф-одати, ахлоқий меъёрларига содиқлик кўрсатган ва маҳаллий хан халқи анъаналарига тўлиқ уйғунлашмаган ҳолда “ажнабий” мақомини сақлаб келаётганди. Мин сулоласи даврида ташқи таъсирнинг йўқолиши ва мусулмон миграциясининг тўхташи натижасида Хитойда ислом дини тарафдорлари тадрижий равишда “бегона” мақомини йўқотиб, Хитой фукаросига айландилар ва уларнинг турмуш тарзи аста-секин хитойлаша бошладилар.

Исломшунос олим Давуд С.М. фикрича, мазкур интеграция жараёнининг энг ёрқин намунаси мусулмонларнинг хитойча фамилияларни қабул қилиши бўлган: “Хитойлик аёлларга уйланган кўплаб мусулмон эркаклар ўз исмларини турмуш ўртоқлари

исм-шарифларига мослаштирганлар. Кўп ҳолатларда мусулмонлар асл исмларига яқин талаффуздаги хитойча номларни ихтиёр қилганлар. Масалан, “Ма” фамилияси таниқли хитой оиласига тегишли бўлиб, кўплаб тарихий шахслар “Ма” деб номланган. Исмлари “м” ҳарфи билан бошланган аксарият мусулмонлар баъзида талаффузи ўхшашлиги, баъзида “Ма” феъли отларга нисбатан ишлатилиши ва мусулмонлар отларни яхши кўришлари сабабли “Ма” исмини танлаганлар” (*Kenneth M., 1993:348*). Шунга кўра, Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида кўплаб мусулмонлар “Ма” исми билан номланган ва айни вазиятдан келиб чиқиб, уларда “ўнта мусулмон орасида тўққизта Ма” ибораси кенг тарқалган. Ўз навбатида, мусулмонлардаги Муҳаммад, Мустафо, Мурод, Масъуд каби исмлар хитойча Мо, Маи ва Му фамилияларига мослаштирилган. Қолаверса, ўз исмларининг хитойча эквивалентини учратмаган мусулмонлар исмларига яқин талаффуз қилинган хитойча ҳарфлар билан аталишган. Мисол учун, Та – Довуд ва Тоҳир, Саи – Саид ва Саъд, Ҳа – Ҳасан, Ҳо – Ҳусайн, Тинг – Жалолiddин, Шамсуддин, Қамариддин, На – Носир ва Нағойб, Ша – Салом, Солих, Соҳиб, Аи – Исо ва Амин исмларини ифодалаш мақсадида қўлланилган.

Мин империяси томонидан юритилган “хитойлаштирув” сиёсатининг яна бир жиҳати, император Чжу Юаньчжан (1328—1398, Zhū Yuánzhāng – шахсий исми, Хунъю – Hóngwǔ – императорлик номи, Мин Тай-цзу – Mǐn Tàizǔ – вафот этгандан кейинги номланиши) жорий қилган “Мин кодекси”нинг 122-моддасига кўра, мўғул ва сему таркибига кирган марказий осийлик мусулмон эркак ёки аёллар маҳаллий хан миллати вакили билан турмуш қуриши мажбурий саналган (*Farmer E., 1995:82*). Бинобарин, этник озчиликка нисбатан мажбурий никоҳ орқали “уйғунлаштириш” сиёсатини юритганлигига қарамай, Мин ҳукуматининг ислом дини ва мусулмонларнинг кундалик эҳтиёжларига ёндашуви бағрикенгликка асосланганди. Зотан, турли этник гуруҳга мансуб мусулмонлар ханлар билан никоҳ муносабатларига киришиш мажбуриятини ҳисобга олмаганда эътиқод эркинлигининг кўплаб қирраларини амалга ошириш имкониятига эга эдилар. Ваҳоланки, этник турфа хилликаро никоҳ жараёни хан миллатига мансуб инсонларнинг ислом динини қабул қилиши ва ўлкадаги мусулмонлар сонини ортишига хизмат қилди.

Мин империяси пойтахти Пекинда яшаган мусулмонлар ҳам туб хитойликлар каби эътиқод эркинлигига эга бўлиб, оддий фуқаро сифатида ислом динига тааллуқли урф-одатларни амалга оширишда

бирор монельликка учрамаганлар. Айни пайтда, ҳукумат монийлик ва христианлик “ноқонуний ва бузғунчи”, ислом ва яҳудийлик эса “қонуний ва конфуцийлик мафкурасига мос таълимот” эканлиги тўғрисида қарор чиқарган (*Leslie D., 1998:15*). Бу даврда мусулмонларнинг диний эркинликка эга бўлганлигини анъанавий архитектура анъаналарига асосланган масжидлар барпо этилганлигида кўзга ташланади. Масалан, бугунги кундаги Хитойдаги энг машҳур Сиань буюк масжиди (Huaquexiang Mosque) айнан Мин даврида бунёд этилган. Албатта, манбаларда мазкур масжидга тамал тоши қўйилиши 742 йил, яъни Тан империяси ҳукмронлиги вақти дея қайд этилса-да, Мин империяси давомида, 1392 йил мусулмон адмирали Зенг Хэ (Zheng He) ташаббуси билан ҳозирги кўринишда қайта реконструкция қилинган. Императорлик саройи ва маҳаллий будда ибодатхоналари дизайни асосида қурилганлиги, кенг ҳовли ва ибодат залига элтувчи узун йўлаги билан замонавий туристлар учун ушбу масжид “хитой анъанавий архитектура услубини мужассамлаштирган мўжизавий бино”⁴ ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ислом динини Тан, Сун, Юан ва Мин сулоалари ҳукмронлик даврларида Хитой бўйлаб ёйилиши ва ривожланиши унинг қамровини ошириб юборди. Мин сулоласи ҳукмронлигининг ўрталарида исломнинг Хитойдаги тараққиётига доир қуйидаги фундаментал ўзгаришлар юз берди:

- биринчидан, мусулмонларнинг сиёсий мақоми ўзгариб, улар Хитой маҳаллий фуқаросига айланишди;

- иккинчидан, Мин ҳукумати империя тараққиёти учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бирламчи эътибор қаратганлиги мусулмонларнинг савдо фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда, тижоратга мол-мулкдан катта улуш сарфлаган мусулмонларнинг иқтисодий ва ижтимоий мақомлари пасайди;

- учинчидан, Хитойдаги мусулмонлар “кенг ҳудудларга ёйилганлиги” ва “зич бўлиб яшаганлиги” (“big dispersion and small concentration”) билан характерланиши уларни бошқа ҳудудлардаги диндош ва миллатдошлари билан алоқаларга киришишларини қийинлаштириб қўйди. Бундан ташқари, Мин сулоласи миллий ассимиляцияси сиёсатини давом эттириб, бир миллат ичида никоҳ боғланишини чеклаб қўйди. Бу эса мусулмонларни

⁴ <https://www.mei.edu/publications/mosques-and-islamic-identities-china>

хитой тилидан фойдаланиш ва ўз миллий тилларига оид қадриятларни аста-секин унутиб бориш шароитида қолдирди.

– тўртинчидан, Хитойда ислом дини тараққий этган даврда юзага келган “Жиао Фанг” (мусулмон тураргоҳлари) тизими тарқок ҳолдаги мусулмонларнинг умумий қадрият, этика ва маросимларга асосланган янги миллий жамоаларни шакллантиришларига замин яратди. Ўз навбатида, мазкур тарихий жараёнлар натижасида мафкуравий жабҳада ислом ва конфуцийлик ўртасидаги тўсиқ ёки бегоналашув ҳолати бартараф этилди. Бошқа диннинг муштарак эътиқодий қарашларига уйғунлашиш орқали ислом таълимоти ва фалсафаси кенгрок ҳудудларга тарқалиб, Хитойда муайян мавқега эга бўла бошлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abdullayeva, M. (2018). Approaches for studying religious process in cyberspace. *The Light of Islam*, 2018 (1), 13.
2. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (80), 508-512. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96>
3. Alidjanova, L. A. (2020). Questions of religion and society in the works of Ibn Khaldun. *The Light of Islam*, 2020 (1), 34-43.
4. Alimova, M. (2020). The contribution of Imam ad-Darimi to the development of hadith science. *The Light of Islam*, 2020 (2), 109-116.
5. Walker, A. T. (2006). *Preaching of Islam: A History of the Propagation of the Muslim Faith*. Forgotten Books.
6. Atwill, D. G. (2005). *The Chinese sultanate: Islam, ethnicity, and the Panthay Rebellion in southwest China, 1856-1873*. Stanford University Press.
7. Broomhall, Marshall (2012). *Islam in China: A Neglected Problem*. – London: Forgotten books.
8. Chang, Yu. (1964). Chinese muslim mobility in Sung-Ciao-Chin Period. *Journal institute of muslim minority affairs – JIMMA*. Jiddah, vol. 6.
9. Dono, K. (2020). Features of information exchange aspects in the information society. *Ижтимоий фанлар*, 2(3).
10. Dillon, M. (1999). *China's Muslim Hui Community: Migration, Settlement and Sects*. Surrey: Curzon Press.
11. Elman, B. A. (2000). *A Cultural History of Civil Examinations in Late Imperial China*. – USA: University of California Press.
12. Elverskog, J. (2010). *Buddhism and Islam on the Silk Road* (illustrated ed.). – USA: University of Pennsylvania Press.
13. Ernazarov, O. (2018). The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty. *The Light of Islam*, 2018 (1), 11.
14. Farmer, E. L. (1995). *Zhu Yuanzhang and Early Ming Legislation: The Reordering of Chinese Society Following the Era of Mongol Rule*. – Leiden: BRILL.
15. Fuzailova, G. (2020). Eastern thinkers on the pedagogical mastery. *The Light of Islam*, 2020(2), 138-144.
16. Isakdjanov, R. (2019). Rational principles in Ibn-Sina's theological education and their characteristic features. *The Light of Islam*, 2019 (3), 8.
17. Islomov, Z. (2018). International Islamic Academy of Uzbekistan—a result of the reforms worth to the centuries. *The Light of Islam*, 2018 (1), 1.
18. Israeli R. (2002). *Islam in China: Religion, Ethnicity, Culture and Politics*. – USA: Lexington Books Publisher.
19. Kalandarova, D. (2020). Features of aspects of information exchange. *The Light of Islam*, 2020 (1), 210-214.
20. Kenneth W., Morgon (1993). *Islam – straight path: Interpreted by muslims*. – Dehli: Motilal Banarsidass Publisher.
21. Khatamov, T. A. (2019). State national program for the development of school education for 2004-2009 years: (scientific and historical analysis). *Theoretical & Applied Science*, (6), 128-132.
22. Lane, George (2014). “The Dali Stele”. In Kilic-Schubel, Nurten; Binbash, Evrim (eds.). *The Horizons of the World. Festschrift for İsenbike Togan: Hududü'l-Alem. İsenbike Togan Armağanı*. Istanbul: Ithaki Press. p. 8. Retrieved 24 April 2014.
23. Lee, H. S. (2002). The Spread of Islamic Culture to the East Asia Before the Era of Modern European Hegemony. *İslâm Araştırmaları Dergisi*, 7, 57-74.
24. Leslie, Donald Daniel (1998). *The Integration of Religious Minorities in China: The Case of Chinese Muslims // The Fifty-ninth George Ernest Morrison Lecture in Ethnology*.
25. Lewis, Mark Edward (2009). *China's cosmopolitan empire : the Tang dynasty*. – London: The Belknap Press of Harvard University Press.
26. Muhamedov, N. (2016). Keffal Şaşı'nın Diplomatik Faaliyeti. *Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi*, 2(2), 119-126.
27. Mukhamedov N., Turambetov N. (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(08), 137-143.
28. Nizametdinov, N. (2019). The short history of turkic literature of India durind the ruling of baburids (XVI–XVIIIth centuries). *The Light of Islam*, 2019 (3), 15.
29. Radhu, A. (1997). *Islam in Tibet: Tibetan Caravans*. Louisville: Fons Vitae.
30. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. *The Light of Islam*, 2019 (1), 12.
31. Shoujiang, Mi., Jia, You (2004). *Islam in China / Translated by Min Chang*. – China Intercontinental Press.

32. Sultonov, A. (2019). The new philosophical paradigm of cultural development. *The Light of Islam*, 2019 (4), 25.
33. Turdiyeva, D. (2020). From history of malaysien education system. *The Light of Islam*, 2020 (2), 20.
34. Toxtiev Mr, S. (2020). Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries. *The Light of Islam*, 2020(2), 82-90.
35. Xujaev, M. I. (2019). Historical philosophy of Ahmed Zaki Validi. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1 (12), 126-132.
36. Ziynatullayev, Z. (2020). The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam. *The Light of Islam*, 2020 (2), 152-159.
37. Эрназаров, О. (2018). Ўрта аср мусулмон манбала-рида Кореядаги ислом тарихига оид маълумотлар. “Шарқшунослик” ТДШИ илмий журна-ли, 3, 74-80.
38. Эрназаров, О. (2017). Десять лет деятельности му-сульманской школы Токио (1927-1937). *Россия и мусульманский мир*, (11 (305)).
39. Эрназаров, О. К. (2014). Ҳозирги даврда дин ва жа-мият муносабатларида барқарорликни таъминлаш-нинг аҳамияти. In *Сборники конференций НИЦ Со-циосфера* (No. 55, pp. 40-45). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
40. <https://www.mei.edu/publications/mosques-and-islamic-identities-china>
41. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
42. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. *The Light of Islam*, 2019(4), 24.
43. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.
7. Broomhall, Marshall (2012). *Islam in China: A Neglected Problem*. – London: Forgotten books.
8. Chang, Yu. (1964). Chinese muslim mobility in Sung-Ciao-Chin Period. *Journal institute of muslim minority affairs – JIMMA*. Jiddah, vol. 6.
9. Dono, K. (2020). Features of information exchange aspects in the information society. *Ижтимоий фанлар*, 2(3).
10. Dillon, M. (1999). *China’s Muslim Hui Community: Migration, Settlement and Sects*. Surrey: Curzon Press.
11. Elman, B. A. (2000). *A Cultural History of Civil Examinations in Late Imperial China*. – USA: University of California Press.
12. Elverskog, J. (2010). *Buddhism and Islam on the Silk Road* (illustrated ed.). – USA: University of Pennsylvania Press.
13. Ernazarov, O. (2018). The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty. *The Light of Islam*, 2018 (1), 11.
14. Farmer, E. L. (1995). *Zhu Yuanzhang and Early Ming Legislation: The Reordering of Chinese Society Following the Era of Mongol Rule*. – Leiden: BRILL.
15. Fuzailova, G. (2020). Eastern thinkers on the pedagogical mastery. *The Light of Islam*, 2020(2), 138-144.
16. Isakdjanov, R. (2019). Rational principles in Ibn-Sina’s theological education and their characteristic features. *The Light of Islam*, 2019 (3), 8.
17. Islomov, Z. (2018). International Islamic Academy of Uzbekistan—a result of the reforms worth to the centuries. *The Light of Islam*, 2018 (1), 1.
18. Israeli R. (2002). *Islam in China: Religion, Ethnicity, Culture and Politics*. – USA: Lexington Books Publisher.
19. Kalandarova, D. (2020). Features of aspects of information exchange. *The Light of Islam*, 2020 (1), 210-214.
20. Kenneth W., Morgon (1993). *Islam – straight path: Interpreted by muslims*. – Dehli: Motilal Banarsidass Publisher.
21. Khatamov, T. A. (2019). State national program for the development of school education for 2004-2009 years: (scientific and historical analysis). *Theoretical & Applied Science*, (6), 128-132.
22. Lane, George (2014). “The Dali Stele”. In Kilic-Schubel, Nurten; Binbash, Evrim (eds.). *The Horizons of the World. Festschrift for İsenbike Togan: Hududü’l-Alem. İsenbike Togan Armağanı*. Istanbul: Ithaki Press. p. 8. Retrieved 24 April 2014.
23. Lee, H. S. (2002). The Spread of Islamic Culture to the East Asia Before the Era of Modern European Hegemony. *İslâm Araştırmaları Dergisi*, 7, 57-74.
24. Leslie, Donald Daniel (1998). *The Integration of Religious Minorities in China: The Case of Chinese Muslims // The Fifty-ninth George Ernest Morrison Lecture in Ethnology*.
25. Lewis, Mark Edward (2009). *China’s cosmopolitan empire : the Tang dynasty*. – London: The Belknap Press of Harvard University Press.

REFERENCES:

1. Abdullayeva, M. (2018). Approaches for studying religious process in cyberspace. *The Light of Islam*, 2018 (1), 13.
2. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (80), 508-512. So: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96>
3. Alidjanova, L. A. (2020). Questions of religion and society in the works of Ibn Khaldun. *The Light of Islam*, 2020 (1), 34-43.
4. Alimova, M. (2020). The contribution of Imam ad-Darimi to the development of hadith science. *The Light of Islam*, 2020 (2), 109-116.
5. Walker, A. T. (2006). *Preaching of Islam: A History of the Propagation of the Muslim Faith*. Forgotten Books.
6. Atwill, D. G. (2005). *The Chinese sultanate: Islam, ethnicity, and the Panthay Rebellion in southwest China, 1856-1873*. Stanford University Press.

26. Muhamedov, N. (2016). Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. *Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi*, 2(2), 119-126.
27. Mukhamedov N., Turambetov N. (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(08), 137-143.
28. Nizametdinov, N. (2019). The short history of turkic literature of India durind the ruling of baburids (XVI–XVIIIth centuries). *The Light of Islam*, 2019 (3), 15.
29. Radhu, A. (1997). *Islam in Tibet: Tibetan Caravans*. Louisville: Fons Vitae.
30. Rahimjonov, D. (2019). The importance of social rehabilitation of people who have fallen under the influence of extremist ideas in the process of globalization. *The Light of Islam*, 2019 (1), 12.
31. Shoujiang, Mi., Jia, You (2004). *Islam in China* / Translated by Min Chang. – China Intercontinental Press.
32. Sultonov, A. (2019). The new philosophical paradigm of cultural development. *The Light of Islam*, 2019 (4), 25.
33. Turdiyeva, D. (2020). From history of malaysien education system. *The Light of Islam*, 2020 (2), 20.
34. Toxtiev Mr, S. (2020). Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries. *The Light of Islam*, 2020(2), 82-90.
35. Xujaev, M. I. (2019). Historical philosophy of Ahmed Zaki Validi. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1 (12), 126-132.
36. Ziynatullayev, Z. (2020). The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam. *The Light of Islam*, 2020 (2), 152-159.
37. Ernazarov, O. (2018). O'rta asr musulmon manbalarida Koreyadagi islom tarixiga oid ma'lumotlar. "Sharqshunoslik" TDSHI ilmiy jurnali, 3, 74-80.
38. Ernazarov, O. (2017). Desyat let deyatelnosti musulmanskoy shkolы Tokio (1927-1937). *Rossiya i musulmanskij mir*, (11 (305)).
39. Ernazarov, O. K. (2014). Hozirgi davrda din va jamiyat munosabatlarida barqarorlikni ta'minlashning ahamiyati. In *Sborniki konferensiy NIS Sosiosfera* (No. 55, pp. 40-45). Vedecko vydavatel'ske centrum Sosiosfera-CZ sro.
40. <https://www.mei.edu/publications/mosques-and-islamic-identities-china>
41. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
42. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. *The Light of Islam*, 2019(4), 24.
43. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *The Light of Islam*, 2020(1), 110-115.